

## ГИЁХВАНД МОДДАЛАРИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Пардаев Акмал

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Гиёҳванд моддалари ноқонуний айланмаси назоратини олиб борувчи ваколатли органларга қуйидагилар киради. Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, ҳамда чегара қўшинларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ваколатли органлар ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги 1999 йил 19 августда 813-И сонли қонуни қабул қилинган<sup>1</sup>. Бу қонунни қабул қилишда мамлакатимиз Бирлашган миллатлар ташкилотининг қуйидаги учта конвенциялари асосида мутаносиб равишда тузилган бўлиб, булар: “Гиёҳванд воситалари ҳақида”ги халқаро конвенция 1961 йил, “Психотроп моддалар ҳақида”ги халқаро конвенция 1971 йил, “Гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айирбошлашга қарши кураш ҳақида”ги Бирлашган миллатлар ташкилоти конвенциялари 1988 йил. Ўзбекистон Республикаси бу конвенцияларга 1995 йилда қўшилган. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги қонуни V боб 43-моддадан ташкил топган. I боб Умумий қоидалар 1-4-моддалардан иборат. II боб Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият 5-9<sup>1</sup> моддалардан иборат. III боб Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш шартлари 10-23-моддалардан иборат. IV боб гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартиб таомилларини белгилайди. 24-32-моддаларни ўз ичига олган V боб Гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш. 33-43-моддалардан иборат.

Ўзбекистонда гиёҳванд моддалари ноқонуний айланмаси назоратини асосий Ички ишлар органлари олиб борган. Ҳозирда ҳам Ички ишлар органи асосий назорат органи ҳисобланади ва қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан фаолият юритади. “Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун. Мазкур қонунда Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган. Гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.10.2020 й., 03/20/644/1415-сон <https://lex.uz/docs/86044>

бўлиши соҳасида назорат қилиш; ички ишлар органларининг мажбуриятларига, сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларни мажбурий тарзда даволашни суднинг ҳукми, ажрими ва қарори асосида амалга ошириши; гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка чалинган, шунингдек психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қиладиган; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари, алюмин куқунлари ва курумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш<sup>2</sup>. Гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашда турли хил тадбирлар ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида” ги Қонуни билан тизимли олиб боради<sup>3</sup>. Бунда 16 та банд фаолиятига тегишли бўлиб ҳисобланади.

---

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон <https://www.lex.uz/acts/3027843>

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 01.12.2020 й., 03/20/651/1577-сон

<https://lex.uz/docs/2107763>